



## **ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ТУРИЗМ ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИДА ТАКЛИФНИНГ УЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

**Садуллаева Азиза Азимбоевна**

*Ўзбекистон Миллий университети эркин тадқиқотчиси, Тошкент,  
Ўзбекистон. [a.sadullaeva87@mail.ru](mailto:a.sadullaeva87@mail.ru)*

### **Аннотация**

Ушбу мақолада Хоразм вилоятини туризм хизматлари бозорининг таклиф томони, анкета сўровномаларини ўтказиш асосида ўрганилган. Тадқиқот натижасида олинган бирламчи маълумотлар таҳлил қилиниб, минтақа туризм хизматлари бозорида мавжуд муаммоларни бартараф қилиш бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар:** туризм, турист, туризм бозори, анкета-сўровнома, Хоразм вилояти.

### **Аннотация**

В данной статье на основе анкетирования исследуется предложение на рынке туристических услуг Хорезмской области. Были проанализированы исходные данные, полученные в результате исследования, и даны предложения и рекомендации по решению существующих проблем на региональном рынке туристических услуг.

**Ключевые слова:** туризм, турист, туристический рынок, анкета, Хорезмская область.

### **Abstract**

In this article, on the basis of a survey, the offer on the market of tourist services of the Khorezm region is investigated. The initial data obtained as a result of the research were analyzed, and proposals and recommendations were given to solve the existing problems in the regional market of tourist services.

**Key words:** tourism, tourist, tourist market, profile, Khorezm region.

### **Кириш**

Хоразм вилояти мамлакатимизнинг муҳим туристик марказларидан бири бўлиб, хорижий ва маҳаллий сайёҳлар ташрифи ҳамда туризм инфратузилмалари бўйича Бухоро ва Самарқанд вилоятларидан кейин 3-ўринда туради. Сўнги йилларда вилоятда туризм соҳасини жадал ривожлантириш мақсадида давлат томонидан мақсадли ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилиб, амалий ҳаётга кенг жорий қилинмоқда. Аммо, вилоят бой ва ўзига хос туризм салоҳиятига эга бўлишишга қарамасдан ҳамон мамлакатимизнинг бошқа туристик дестинацияларига, жумладан, Самарқанд ва Бухоро вилоятларига нисбатан, туристик хизмат кўрсатиш ҳажми, тур-кунлар, маҳаллий ва хорижий туристлар ташрифи бўйича орқада қолмоқда.

Шу нуқатаи назардан олиб қараганда, Хоразм вилояти туризм хизматлари бозорини таклиф томинини таҳлил қилиш, мавжуд инфратузилмаларнинг бугунги ҳолатини ўрганиш ҳамда туризм соҳаси хизматларини кўрсатишдаги мавжуд муаммоларни аниқлаш муҳим зарурият ҳисобланди. Шунингдек, пандемия ва

пандемиядан кейин минтақада туризм хизматлари кенгайтириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ушбу тадқиқот ишининг долзарблигини белгилайди.

Тадқиқот ишида Хоразм вилоятида туризм хизматларини таклиф қилувчи субъектлар ўртасида анкета-сўровномалари ўтказилиб, олинган натижалар таҳлил қилиниб, минтақада соҳани истиқболли ривожланиши учун таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилади.

### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Хоразм вилояти туризм соҳасининг ривожланиш тенденциялари кўпчилик тадқиқотчилар томонидан таҳлил қилинган. Жумладан, соҳа олимларидан У.Р.Матякубов [1] томонидан Хоразм вилоятининг ўзига хос экологик вазиятини инобатга олиб, туризм самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари ва истиқболлари юзасидан тавсиялар ишлаб чиққан. Шунингдек, иқтисодчи олимлар С.Салаев ва О.Бекмуродовлар [2] Хоразм вилоятининг туристик хизматлар соҳасида инвестицион фаолликни оширишнинг илмий асосланган устувор йўналишларини очиб берганлар. Д.Бекчанов [3] ўзининг тадқиқот ишларида инновацион ёндашувлар асосида Хоразм вилояти Хива туристик дестинацияси рақобатбардошлик механизмларини такомиллаштириш бўйича тавсияларни ишлаб чиққан.

Бутунжаҳон туризм ташкилотининг махсус экспертлари томонидан, 2019 йилда Хива шаҳрининг Ичан-қалъа мажмуасида яшовчи маҳаллий аҳолининг туризмни ривожлантиришга нисбатан муносабати чуқур таҳлил қилинган [4]. Хоразм вилояти ҳудудларининг ўзига хос туристик ресурслари, салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда, қишлоқ жойларида истиқболли бўлган эко, агро, этно, тиббий ва реакрацион туризмни шакллантириш бўйича илмий таклиф ва тавсиялара ишлаб чиқилган [5]. Ундан ташқари иқтисодчи олимлар Б.Рузметов ва Ш.Рузметовлар Хоразм вилояти ва Хива шаҳрини туристик салоҳиятини тадқиқ қилиб, ҳудуднинг туристик ресурсларини алоҳида ажратиб ўрганганлар [6].

Шунингдек, Д.Бутанова ва Ш.Бахтиярвлар [7] томонидан Хоразм вилояти Хива-туристик реакрацион кластерларини шакллантириш бўйича тадқиқотларн амалга оширган бўлса, Д.Бекчанов ва Д.Ибрайимовалар [8] Хоразм вилояти мамлакатимиздаги асосий туристик дестинациялар сифатида қаралиб келаётганлигини ҳисобга олган ҳолда Хоразм, Бухоро ва Самарқанд вилоятлари туристик салоҳиятининг қиёсий жиҳатдан таҳлилинини амалга оширганлар.

Юқорида қайд қилиб ўтилган олимлар ва тадқиқотчилар ишларида Хоразм вилоятида туризм соҳаси ривожланиш кўрсаткичлари атрофлича ўрганилган бўлсада, минтақада туризм хизматлари бозорининг таклиф нуқтаи назаридан таҳлили бўйича тадқиқот ишлари жуда кам амалга оширилган.

### **Тадқиқот методологияси**

Тадқиқот ишида анкета-сўровномаларини ўтказиш усулидан фойдаланилди. Анкета-сўровномалари Хоразм вилояти Урганч ва Хива шаҳарларида туризм хизматларини таклиф қилаётган меҳмонхона менежерлари, туроператорлар, гид экскурсаводлар, ресторон, кафе бошқарувчилари ҳамда музей ходимлари ўртасида ўтказилди. Анкета-сўровномада жами 61 нафар респондент иштирок қилди. Анкета-сўровномаси ўз ичига респондентларнинг туризм фаолияти билан шуғулланиши учун асосий мотивлари, вилоятда туризмни ривожлантириш имкониятлари, туризм индустрия хизматларини ташкил қилиниши, пандемия ва пандемиядан сўнг туризмни

ривожлантири йўналишлари ва бошқа шу каби саволларни ўз ичига олди. Сўровномалар асосида олинган бирламчи маълумотлар Excel дастури асосида таҳлил қилинди.

### **Таҳлил ва натижалар**

Сўнги йилларда Хоразм вилоятида туризм соҳасини янада ривожлантириш, вилоятга хорижий ва маҳаллий сайёҳларни янада кўпроқ жалб қилиш, туризм соҳасида кўрсатилаётган хизматлар сифати ва кўламини янада ошириш, соҳа учун малакали кадрлар тайёрлаш, сайёҳлар хавфсизлигини таъминлаш бўйича сезиларли ишлар амалга оширилган.


Хоразм вилоятида 2017 йилда жойлаштириш воситалари сони жами 56 та, 2018 йилда жами 69 та, 2019 йилда жами 152 та, 2020 йилда жами 162 та ташкил қилган ва улардаги хоналар сони 2344 та, ўринлар сони 4922 тани ташкил қилиб, бу кўрсаткич 2017 йилга нисбатан 3 баробарга, 2018 йилга нисбатан 2,5 баробарга, 2019 йилга нисбатан 1,1 баробар, 2020 йилга нисбатан 1,06 баробар ўсишга эришилган. Вилоятда 2017 йил давомида сайёҳлик ташкилотлари сони жами 22 та, 2018 йилда 34 та, 2019 йилда 58 та, 2020 йилда бу кўрсаткич 59 тани ташкил қилган. Бу кўрсаткич 2017 га нисбатан 2,6 баробарга, 2018 йилга нисбатан 1,7 баробарга ўсишга эришилган.

Вилоятида 2017 йилда замонавий туристик синфга мансуб автотранспорт воситалари сони жами 21 тани, 2018 йилда 34 тани, 2019 йилда 133 тани, 2020 йилда 293 тани ташкил қилган. Бу кўрсаткич 2017 йилга нисбатан 14 баробарга, 2018 йилга нисбатан 8,6 баробарга, 2019 йилга нисбатан 2.2 баробарга ўсишга эришилган. Хоразм вилоятида 2017 йилда тегишли сертификатларга эга гид-экскурсоводларнинг жами 89 та, 2018 йилда 103 та, 2019 йилда 114 та, 2020 йилда ва ҳозирги кунда 138 та гид-экскурсоводлар тегишли сертификатлар олиб сайёҳларга хизмат кўрсатиб келмоқда. Бу кўрсаткич 2017 йилга нисбатан 1,5 баробарга, 2018 йилга нисбатан 1,3 баробарга, 2019 йилга нисбатан 1,2 баробарга ошган [9].

Бугунги кунда Хоразм вилоятида моддий-маданий мерос объектлари 259 тани ташкил қилиб, шундан 37 та архелогия объектлари, 135 та архитектура объектлари, 81 та монументал санъат ёдгорликлари ҳамда 6 та диққатга сазовор жойларини ташкил қилган. 2017 йилда туристик ахборот марказлар сони 1 та, 2018 йилда 4 та, 2019-2020 йилларда 12 тани ташкил қилинган.

Тадқиқотларимиз давомида Хоразм вилояти туризм бозори имкониятларини таклиф томинини таҳлил қилиш учун ўтказилган сўровномада жами 62 нафар респондент қатнашган бўлса, шундан 54,1% меҳмонхона менежерлари, 16,4% туроператорлар, 11,5% ресторон, кафе бошқарувчилари, гид-экскурсоводлар 6,6%ни, туризм департаменти ходимлари 6,6%ни, музей ходимлари 3,3%ни ҳамда бошқлар 1,6%ни ташкил қилади. Шунингдек респондентларнинг 43,3%и Урганч шаҳридан, 56,7%и Хива шаҳридан иштирок қилди.


Сўровномада “Туризм фаолияти билан шуғулланишингизга сабаб бўлган омилларни қай даражада баҳолайсиз?” саволига респондентларнинг аксарияти, яъни 36 нафари моддий манфаатдорлик ва маҳаллий аҳоли учун янги ишчи ўринлари очиш, 28 нафар респондент маҳаллий аҳоли турмуш шароитини яхшилаш ҳамда 23 нафари давлат имтиёзларидан фойдаланишни муҳим мотивлар эканлигига қўшилишини кўрсатганлар (1-расм).



**1-расм. Туризм фаолияти билан шуғулланишингизга сабаб бўлган мотивлар**

*\*Анкета-сўровномалари асосида муааллиф ишланмаси*

Шунингдек, респондентлар “Хоразм вилоятида қайси туризм турларини ривожлантириш имкониятлари мавжуд?” саволига жами респондентларнинг 34 нафари “экотуризм”, 31 нафари “Зиёрат туризми”, 30 нафари “агротуризм”, 25 нафари “спорт, соғломлаштириш туризми” ҳамда 16 нафари “Бизнес ишбилармонлик туризм”ларини ривожланиши учун салоҳият мавжуд эканлигига “қўшилиш”ини билдирганлар(2-расм).




**2-расм. Хоразм вилоятида туризм турларини ривожлантириш имкониятлари**

*\*Анкета-сўровномалари асосида муааллиф ишланмаси*

Хоразм вилоятида туристик индустрия хизматлари сўровномада иштирок қилган респондентларнинг қуйидигача баҳолаганлар: 31 нафар респондент туроператорлик ва турагентлик хизматларини, 27 нафари автомобил транспорти хизматларини ва 25 нафари трансфер хизматларини “ўрта”, 28 нафар респондент ҳаво транспорти хизматларини, 25 нафари темир йўл транспорти ва умумовқатланиш хизматлари кўрсатишини “яхши” деб баҳолаганлар(3-расм).



хунармандчилик, зиёратгоҳ ва сиҳатгоҳлар, умумий овқатланиш, транспорт ва бошқалар билан қўшиб ҳисоблаганда 250 мингдан ортиқ аҳоли даромадига жиддий таъсир қилди[10]. Шунингдек, пандемия ва пандемиядан кейинги даврда Ўзбекистон ҳукуматининг туризм соҳасини қўллаб қувватлаш бўйича давлат сиёсатининг муҳим йўналишлари тадқиқ қилинган[11].



**5-расм. Минтақада туризм фаолияти билан шуғулланиш учун муҳим бўлган омиллар**

*\*Анкета-сўровномалари асосида муааллиф ишланмаси*


Юқоридаларни ҳисобга олиб, анкета-сўровномасида респондентларга “Пандемия даврида давлат томонидан туризм соҳасини қўллаб-қувватлашни қай даражада баҳолайсиз?” ҳамда “Пандемиядан сўнг минтақада қайси туризм турларига талаб кўпаяди деб ўйлайсиз?” каби саволлар ҳам берилди. Респондентларнинг аксарият қисми пандемия даврида туристик корхона ва ташкилотлар давлат томонидан шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш, меҳнатни тартибни солишнинг қўллаб-қувватлаш бўйича ҳуқуқий маслаҳатлар, нақд пул олиш, қисқа муддатли молиявий ёрдам ва олинган кредит муддатларини узайтириш каби чора-тадбирлар “ўрта” ва “яхши” амалга оширганликларини қайд қилганлар(6-расм).



**6-расм. Пандемия даврида минтақа туризмни давлат томонидан қўллаб-қувватланиши**

*\*Анкета-сўровномалари асосида муааллиф ишланмаси*


Шунингдек, анкета-сўровномада иштирок қилган респондентларнинг аксарияти, пандемиядан сўнг, Хоразм вилоятида зиёрат туризми, эко-агротуризм, реакрацион туризм хизматларига талаб юқори бўлиши билдирганлар. Шунингдек, ҳудудда гастрономик ва маданий-тарихий туризмни ривожлантириш пандемиядан сўнг, муҳим йўналишларидан бири бўлиши мумкинлиги қайд қилинган(7-расм)



**7-расм. Пандемиядан сўнг Хоразм вилоятида ривожланиши мумкин бўлган туризм турлари**

*\*Анкета-сўровномалари асосида муааллиф ишланмаси*


Ҳозирги даврда маҳаллий туристик корхоналар ўз турмаҳсулотлари ва турхизматларини реализация қилишда турли оммавий ахборат воситаларидан кенг фойдаланмоқда. Замонавий ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда туризм бизнесини фаолиятини амалга ошириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, анкета-сўровномада Хоразм вилояти туризм бизнеси субъектлари ўз турмаҳсулотларини сотишда қайси оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланиши билан боғлиқ савол билан мурожаат қилганда, жами респондентларнинг 90%и ижтимоий тармоқлар (Facebook, Instagram)дан кенг фойдаланишини билдирганлар. Шунингдек, корхоналарнинг WEB саҳифлари ва интернет қидирув тизимлари ҳам турмаҳсулот ва турхизматларни реализация қилишда муҳим аҳамиятга эга эканлиги қайд қилинган(8-расм).



**8-расм. Минтақада турмаҳсулот ва хизматларни реализация қилишда фойдаланиладиган ОАВлари**

*\*Анкета-сўровномалари асосида муааллиф ишланмаси*

Бугунги кунда Хоразм вилоятида туризм соҳасини рақобатбардошлигини ошириш, минтақада туристик хизматлар ҳажмини ошириш ҳамда ЯҲМ улушида унинг улушини кўпайтириш устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Бунинг учун аввало, минтақада туризм рақобатбардошлигини оширишга таъсир қилувчи омилларни аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Сўровномада иштирок қилган кўпчилик респондентларнинг фикрича Хоразм вилоятида туризм рақобатбардош-лигини оширишнинг муҳим омиллари сифатида соҳани малакали кадрлар билан таъминланганлиги, тарихий-маданий, археологик туристик ресурслар ҳамда минтақани географик жойлашувини эътироф қилганлар(9-расм).



**9-расм. Минтақада туризм рақобатбардошлигини ошириш омиллари**

*\*Анкета-сўровномалари асосида муааллиф ишланмаси*

Шунингдек, анкета-сўровномасидаги “Хоразм вилоятига ташриф буюрган хорижлик сайёҳлар бир кунда қанча пул сарфлашини айта оласизми?” саволига респондентларнинг 39,3%и 100 АҚШ доллари гича, 39,3%и 100-200 АҚШ доллари атрофида, 16,4%и 201-300 АҚШ доллари гича, 4,9%и 300 АҚШ долларидан ортиқ маблағ сарфлайди деб жавоб берганлар. Ундан ташқари, Хоразм вилоятига ташриф буюраётган хорижий туристларни қолиш муддатларини бўйича берилган саволга жами респондентларнинг 59%и 1-2 кун, 24,6%и 1-кун, 13,1 % 3-4 кун ҳамда 3,3% 5 кундан зиёд фикр билдирганлар.

### **Хулоса ва таклифлар**

Хулоса ўрнида шуни алоҳида лозимки, Хоразм вилоятида туризм хизматлари бозорининг таклиф томонини тадқиқ қилиш, минтақага ташриф буюраётган сайёҳлар сонини кўпайишига, туризм хизматларини кўрсатиш сифатини ошишига, шунингдек, умумий хизматлар улушида туризм экспорти улушининг ўсишига олиб келади. Ўтказилган анкета-сўровномаларининг асосан, минтақада янги хилма-хил туризм маҳсулотларни яратиш, соҳа инфратузилмасини такомиллаштириш, туризм рақобатбардошлигига таъсир қилувчи омилларни ҳисобга олиш зарурат эканлиги асосланди.

Ўтказилган тадқиқотларимиз натижасида, Хоразм вилояти туризм хизматлари бозорини ривожланиши учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:



– биринчидан, туризм маҳсулотлари таклифларини диверсификация қилиш орқали, янги туризм хизматларини бозорини кенгайтириш зарур. Бунда вилоятнинг ички туризм имокниятларидан кенг фойдланган ҳолда, туризм хизматлари бозорида экотуризм, агротуризм, зиёрат туризми, спорт, соғломлаштириш туризми, реакрацион туризм, гастрономик туризм каби янги туризм йўналишларини шакллантириш лозим;

– иккинчидан, минтақа туризм бозорида туроперторлик ва турагентлик ва автомобил транспорт хизматлари фаолиятини такомиллаштириш зарур. Бунда вилоятда фаолият кўрсатаётган туроператорлар ўз иш фаолиятини замонвий ёндошувлар асосида ташкил қилиб, “пекидж” турмаҳсулотларни шакллантириши лозим;

– учинчидан, маҳаллий туропеторлар ўзларининг қисқа ва узоқ муддатларга мўлжалланган маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиши, ички ва хорижий сайёҳларнинг талабларини ўрганиши ҳамда туроператорлик фаолиятининг хориж тажрибаларини мукамал ўзлаштириши керак;

– тўртинчидан, минтақада туризм соҳасини рақобатбардошлигини оширишда кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини мунтазам йўлга қўйиш, соҳага инновацияларни жалб қилиш, “smart” технологияларни жалб қилиш орқали минтақа туризини рақамлаштириш жараёнларини жадаллаштириш чоратадбирларини ишлаб чиқиш;

– Пандемия ва пандемиядан кейинги даврда Хоразм вилоятининг чўл зоналари реакрацион туризм хизматларини (Боғот, Хива ва Тупроққалъа туманилари), археологик туризмни (Шовот, Боғот ва Хазарасп туманлари) ҳамда зиёрат туризми хизматлари(Шовот, Хива ва Янгиариқ) ўз ичига олувчи турмаршрутларни шакллантириш лозим.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Матъякубов У. Экологик вазиятни инобатга олиб туризм самарадорлигини ошириш йўналишлари ва истиқболлари (Хоразм вилояти мисолида). и.ф.н. номз. дисс. -Самарқанд, 2011

2. Салаев С., Олланазаров Б. Туристик хизматлар соҳасида инвестицион фаолликни оширишнинг устувор йўналишлари: монография. – Урганч: “Қувончбек-Машҳура” МЧЖ нашриёти, 2020. –188 б.

3. Бекчанов Д. Инновацион ёндашувлар асосида туристик дестинация рақобатбардошлигини ошириш механизмларини такомиллаштириш // иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Урганч, УрДУ, 2021. – 60 б

4. Ichan Qala Resident’s Study Exploring the Attitudes of Ichan Qala Residents towards Tourism Development// UNWTO Tourism Planning and Capacity Building for Tourism Development in Khiva and Khorezm Region report (UNWTO, 2019)

5. Таджиев Б. Қишлоқ жойларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик барқарор ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш(Хоразм вилояти мисолида) // иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Урганч, УрДУ, 2021. – 60 б

6. Рузметов Б., Рузметов Ш. Хоразм вилояти ва Хива шаҳри туристик салоҳиятини юксалтириш стратегияси// “Минтақани комплекс ривожлантириш ва инновацион иқтисодий шакллантириш устувор йўналишлари” халқаро онлайн илмий-амалий анжуман материаллари. 2020 йил 25 сентябрь. 35-41 б.

7. Д.Бутанова,Ш.Бахатияров.Хив-туристик-реакрацион кластерларини шакллантириш манбаи// Минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда инвестицияларни роли. 2020 йил 20 ноябрь. Урганча шаҳри. 67-б.

8. Бекчанов Д.,Ибрайимова Д.Минтақа туристик дестинациялар рақобатбардошлигини оширишда хорижий тажрибларни аҳамияти// Минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда инвестицияларни роли. 2020 йил 20 ноябрь. Урганча шаҳри. 82-б.

9. Хоразм ва вилояи туризм ва спорт бошқармасининг статистик маълумотлари. 2020 йил.

10. Ўзбекистонда COVID-19 пандемиясининг туризмга таъсирини юмшатиш йўллари. //Иқтисодий ва инновацион технологиялар. Илмий электрон журнали. №5, сентябрь-октябрь, 2020. -346-351 –б

11. Matyakubov U.R., Ibadullaev E.B. Exploring the impact of the coronavirus pandemic on tourism and recreational services: case from Republic of Uzbekistan// MONOGRAFIA POKONFERENCYJNA. Berlin 30.08.2020- 31.08.2020. 168-171 б.